**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти**

# “ТАЪЛИМДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР КОНТЕКСТИДА ЗАМОНАВИЙ КЛАСТЕР ТИЗИМИ: МУАММОЛАР, ЁНДАШУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР”

мавзусидаги илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами

**Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан**
**Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области**

ТРУДЫ
научной конференции

# «СОВРЕМЕННЫЕ КЛАСТЕРНЫЕ СИСТЕМЫ В КОНТЕКСТЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ИННОВАЦИЙ РЕФОРМ: ПРОБЛЕМЫ СОБЫТИЯ И ПЕРЕСПЕКТИВЫ»

**Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan**
**Chirchik state pedagogical institute Tashkent region**
**PROCEEDINGS**
**scientific conference**

# “INNOVATION AND REFORMATION IN THE EDUCATION CONTEXT MODERN CLASTER SYSTEM PROBLEMS AND FUTURES”

**ТОМ I**

**2019 йил 17 декабрь**

**ЧИРЧИҚ – 2019**

Сирожиддин Саййид ижодида ҳам кўришимиз мумкин. Шоир шеъриятида соғинч ва меҳр, ватан ҳамда маданий қадриятларга содиқлик юксак пафосда намоён бўлади. Айниқса, “Руҳим харитаси”, “Биродар”, “Тавалло”, “Тескарига оққан дарёлар”, “Соғинч таҳлили”, “Менсиз яшолмайди”, “Мезон кетди”, “Кўксимдаги зангорларим”, “Аламли дунёда”, “Ёлвориш”, “Ҳикмат” каби шеърлари ва “Тўполондарё билан хайрлашув” достонида шоирнинг ижодий-эстетик олами, эстетик идеали, лирик қаҳрамоннинг табиати, халқона пафоси акс этган. Бу шеърлардаги нозик қочиримлар ҳазин армонлар билан бирлашиб ўқувчини хотира ва хаёллар соҳилига бошлаб кетади.

Киши кўнглида олам ва одам, ҳаёт ва йўқлик зиддиятлари тўқнашиб, янгича тафаккур тарзини дунёга келтиради.

Тўлқинлар чўққининг пойини ювди,
Гиёҳлар юз очди тармалар аро.
Қотган юракларнинг музликларида
Ўзинг қўлла энди мени, жон дарё.

Сирожиддин Саййиднинг лирик қаҳрамони доимо тавалло қилаётган, дунёнинг бенаво ўйинларидан озурланиб, Тангридан борлиқни безарар ва беғидир асрашини сўраётган қаҳрамондир. У тобора инқирозга ботаётган жамиятнинг маънавий дунёсини бу фожиали ҳалокатдан қутқаришга уринади.

Мақсадим зар, шонга ўраниш эмас,
Инсон камол топсин еру кўк аро.
Йўлимда ястанган руҳий чўлларда
Ўзинг қўлла энди мени, жон дарё.

Шоир лирик қаҳрамони “Тез ёрдам машинасида” бўладими ёки ҳайқириб оқаётган дарё бўйидами Одам ва Олам саодатини қўмсайди. У “Она юртим омон бўлса, беармон кетсам бўлар”, “Жудолик дардидан оламни асра, Худойим сен аввал онамни асра” каби мисраларида ўзига хос овози, ижодий индивидуаллигини намоён этади, бу сатрлар шоир шеъриятига яшовчанлик, халқчиллик, ҳаётийлик бағишлайди. Адабиёт, шеърият деб аталмиш бадиий сўз санъатининг сеҳрли кучи ҳам аслида шу халқчилликдан иборатдир.

“Санъат теварагида ҳамиша икки мактаб ўртасида кураш борган. Бир мактаб санъатдан ҳаётни очиб беришни ва танқид қилишни талаб қилади, иккинчи мактаб эса фақат ёқимли гапларни тўқиб чиқаришни талаб қилади. Аммо кураш жараёнида қизишиб кетилганда иккала мактаб ҳам баъзан бир нарсани унутиб қўйишади – яъни санъат асарига айлантирадиган омил “ҳаётийлик” деб аталмиш сирли нарсадан иборат бўлади.

## ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАДАНИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ ЎРНИ

*Ш.А.Искандаров .,ТТА Ижтимоий фанлар катта ўқитувчи*
*Ж.Б.Ўринов, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 272-мактаб тарих фани ўқитувчиси*

Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Уларни тарбиялашда нафақат оила, мактаб, маҳалла, балки мактабдан ташқари ҳисобланган маданият муассасаларининг ўрни ҳам мухим аҳамиятга эга. Маданий-маърифий муассасалар, яъни маданият уйлари, маданият саройлари, музейлар, кутубхоналар, маданият ва истироҳат боғларининг ўзига хос имкониятлари мавжудки улардан фойдаланмасдан жойларда ёшларни тарбиялаб бўлмайди, чунки бу муассасалар халқ орасида маънавий, ижодий фаолият олиб борувчи ўзига хос марказ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳолини дам олиш марказларини шакллантириш, уларнинг моддий-техник базасини

ривожлантириш чора-тадбирлари, шунингдек ушбу марказлар фаолиятини тартибга солиш бўйича Низомни тасдиқлади. Унга кўра, мамлакатда 1777 та маданият уйлари негизида 894 та маданий ҳордиқ марказларини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, шулардан 38 таси имконияти чекланган кишилар учун мўлжалланган[1].

Бугунги ёшлар эртанги жамиятимизнинг тақдирини белгиловчи авлоддир. Ёшларга қатъий тарбия берсак, бизнинг келажагимиз ҳам шундай бўлади. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказишда, маданий-маърифий муассасаларнинг имкониятлари катта. Ўқув юртлари, асосан билим, тарбия бериш билан шуғулланса, маданий-маърифий муассасалар уларнинг бўш вақтини мароқли ўтказишга кўмак беради. Бироқ, жойлардаги маданият муассасалари аҳолининг барча қатламлари учун умумий тадбирларни ўтказадилар. Улар ёшларнинг эхтиёжи, қизиқиши ва уларнинг руҳиятига мос тадбирларни тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқда. Натижада маданий-маърифий муассасаларнинг ёшлар маънавий, аҳлоқий, руҳий, бадиий тарбиялаш борасидаги фаолияти керакли даражадан паст бўлмоқда.

Биз кўп йиллар давомида маърифат ва маданиятга нотўғри муносабатда бўлдик. Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳаларидан кам бўлди. Натижада биз бу масалада орқада қолиб кетдик. Бундан буён барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан жой олиши лозим ва ниҳоят, шу соҳаларда ишлаётган кадрлар масаласи. Ўқитувчилар ва шифокорлар, маданий оқартув муассасаларидаги ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассислар чинакам зиёлилар. Айниқса, олимлар ва ижодкор ходимларимизга эътибор кучайтириш керак. Чунки маънавий бойликларни айнан шулар яратади. Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолияти учун барча моддий маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир[2].

Янги авлод маданият ва маданий-маърифий муассасалар, мафкурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдиришга катта имкониятларга эгадир. Бунда театр, кутубхона, клублар, маданият уйлари ва маданият саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа муассасалар фаолиятидан кенг фойдаланиш, кишиларнинг дунё қарашини юксалтирадиган, одамларга руҳий ва маънавий озуқа берадиган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш лозимдир. Миллий истиқлол мафкураси тамойилларида кўрсатилганидек, маданий-маърифий муассасаларда турли анжуманлар, давра суҳбатлари, баҳс мунозаралар, учрашувлар, уюшмалар, миллий истиқлол мафкурасининг мазмуни ва моҳияти ёшлар онгига тушунарли тезда етиб борадиган қўлланма ва маслаҳатлар ишлаб чиқса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ўринда маданий-маърифий муассасалар ёшларни маънавий камолотига етказишда ва уларнинг дунё қарашини шакллантиришда ҳамда миллий истиқлол мафкурасини уларнинг онгига сингдиришда таълим-тарбия мазмунини мукаммал ишлаб чиқаришлари лозим.

Эндиги пайтда ёшлар тарбиясида маданий-маърифий муассасаларда кундаги талаб ва таклифлар тавсиялар киритиб янада изчил олиб борса, самарали натижа беради:

- Ёшларни ҳар томонлама шакллантиришда уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш;
- Ўқитувчи ва мураббийлар ижодкорлигини таъминлаш касб маҳоратларини оширишнинг самарали йўлларини излаш;
- Қишлоқ ёшлари учун таълим, маданий- маърифий муассасаларнинг замонавий шаклларини кенг жорий этиш;
- Ёшлар учун дунёқарашни кенгайтирадиган қизиқарли телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар мунтазам ташкил этиш, кино кўрсатувлар, кутубхоналар бўйича беллашувлар мунтаьзам равишда уюштириш;
- Маданий-маърифий муассасаларни энг замонавий техника ва технология билан таъминлаш;

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳакамасининг 2013 йил 25 июнда "2013 - 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори / Халқ сўзи. 2013 йил 26 июнь.
[2] Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият 2008. - Б. 65-66.

М У Н Д А Р И Ж А


| | | |
|---|---|---|
| Ходжаева Н.Қ., Холмуминов А.А., Усмонов Ш.Н. | Нанофизика ва нанотехнологиялар соҳасида фан дастурларини ишлаб чиқилиши ва уларнинг замонавий мутахассислар тайёрлашдаги истиқболи | 3 |
| Холбаева Ш.Т. | Дневник тренировок: зачем он нужен и как его вести | 4 |
| Холмуратова О.У., Собирова З.Ш. | TORCH инфекция-способы профилактики | 7 |
| Худайберганов Ж., Набижонов П. | Анализ мотивации студентов к занятиям физической культурой | 9 |
| Xo`jamqulov U.N., Urumbayeva Z | O’qish darslarida nutq va tafakkurning o’rni. | 11 |
| Хўжамкулов П.Б., Мухсумхонова Ҳ.З. | Мутаффаккирларнинг бола тарбиясига оид педагогик қарашлари | 12 |
| Хуррамов Э.Э., Темирова Д.З. | Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний сифатларини ривожлантириш йуллари | 14 |
| Эрматова С.У., Абдуллаева Б.П. | Спортчи рационини тўғри ташкиллаштириш муваффақият гарови | 16 |
| Эрназарова Г.О. | Кластерный подход с особыми образовательными потребностями | 17 |
| Эрназарова Г.О., Асанова Л., Иванова А. | Применение кластерного подхода в инновационной деятельности образовательных учреждений | 19 |
| Ergasheva G. | Boshlang’ich sinflarda ona tilining o’rni | 20 |
| Эрниязова Н. Ҳ. | Ўқувчиларнинг билиш ва ўйин фаолиятини уйғунлаштириш | 22 |
| Юлдашева Г. Т., Исраилова А | Эффективность использования ИКТ на уроках начального класса. | 23 |
| Юлдашева З.М., Максудова М.М | Взаимосвязь педагогики и психологии в процессе обучения | 27 |
| Юсупбаева А. С., Журакулова Э. | Подготовка будущего учителя физической культуры к валеолого-просветительской деятельности в школе | 30 |
| Эшманова Н.Н. | Ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш | 33 |
| Yaxshiboyeva R.B., Ibrohimova H.S., Jo’rayeva N.V. | O’zbek tili grammatikasini kompyuter bazasiga kiritishdagi ba’zi grammatik muammolar haqida. | 34 |
| Хайдаров Р. Ю. | Талабаларни ўқув фанларига қизиқишларини оширишда мултимедиа воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги | 36 |
| Яхшиев У., Равшанов Ж. | Таълим кластерида тестлардан фойдаланиш –ўқувчилар компетенциясини шакллантириш омили сифатида | 37 |
| Ходжамкулов У.Н. | Таълим кластерлари бўйича хориж тажрибаси | 39 |
| Қурбонова М.Ф., Қораев С.Б. | Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари | 43 |
| Исмоилова Д.М., Садикова Д.М. | Умумий ўрта таълим мактабларида муаммоли бола билан суҳбат ўтказиш методикалари | 45 |
| Абдугаппарова М. | Умумий ўрта таълим мактабларида ўрта осиё халқлари миллий кийимлари тарихини ўқитишнинг ривожланишини | |

| | | |
|---|---|---|
| | такомиллаштириш | 47 |
| Ўтаев А., Норова Н. | Олий педагогик таълим муассаларида норматив – ҳуқуқиий ҳужжатлар тарғиботини ташкил этиш | 48 |
| Ўтаев А.Й. | Бўлажак ўқитувчилар сиёсий маданиятини шаклантиришнинг кластер тизими | 50 |
| Азимова М.С., Мухиддинова Г.Н. | Речевой механизм человека и различные подходы к описанию | 53 |
| Абдуллаев А.А. | Ўқувчи-ёшларга кластер методи орқали халқ ўйинлари фойдаланган ҳолда соғлом турмуш тарзини шакллантириш | 54 |
| Акбаров Б. | Использование мультимедийного проектора на уроках физики при объяснении нового материала | 56 |
| Абдуллаев А., Жанжигитова Ю. | Халқ ўйинлари бошланғич таълим ўқувчиларини тарбиялашнинг муҳим педагогик омилидир | 58 |
| Абдурасулов Ж. | Ёшларни маънавий етук қилиб тарбиялашда жисмоний тарбиянинг роли | 60 |
| Ашурматова Д.Х. | Бошланғич синф ўқувчиларга одобнома дарсларида ҳикматли сўзлардан фойдаланиш | 61 |
| Тожибоева Х.М. | Ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш воситалари | 62 |
| Мисиров Ш.М. | Умумий ўрта таълим мактабларида спорт тўгаракларини узлуксизлигини таъминлаш | 64 |
| Мисиров Ш.М. | Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларига бўлган қизиқишларини ошириш | 65 |
| Жанжигитова Ю.Б. | Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги | 66 |
| Achilov N.N. | Chizmachilik oʻqitish metodikasi fani pedagogika ilmining bir soxasi sifatida | 67 |
| Мусурманов Р. | Ўқитувчиларни дарс интизомига салбий муносабатдаги ўсмирлар билан ишлашга тайёрлаш | 68 |
| Muxitdinova M.S., Ergashov M.M. | Notiqlik san’ati | 70 |
| Sobirov S.T. | Oʻquvchilarning ijodiy imkoniyatlarini axborot kommunikativ texnologiyalar orqali rivojlantirish | 73 |
| Рахмонов А.Р., Хасанова Х.Ю. | Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш педагогик муаммо сифатида | 75 |
| Рахмонов А.Р. | Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда оила, маҳалла ва таълим муассасаси хамкорлигининг роли | 77 |
| Байметов Б.Б. | Талабаларда тасвирлаш маҳоратларини такомиллаштиришда амалий перспективадан фойдаланиш технологиялари | 80 |
| Султанов Х.Э., Муратов Х.Х. | Шаклларни реалистик тарзда тасвирлашда чизиқ ва штрихларнинг аҳамияти | 82 |
| Ismatov U.Sh. | Tasviriy san’at darslarida mavzuli kompozitsiya mashg`ulotlarining ahamiyati | 84 |
| Якубова М.Ю. | Миллий ҳунармандчиликни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишнинг педагогик асослари | 86 |
| Хамидов Ж.А. | Ўқувчилар техник ижодкорлигини ривожлантириш йўналишлари | 88 |
| Лухманов Д. Б., Абдукулова Ш. | Синф раҳбарнинг тарбиявий фаолияти самарадорлигини ошириш шарт-шароитлари | 90 |
| Халмухамедова М.А. | Ўқувчиларда мехнат тарбияси орқали ижтимоий | |

| | | |
|---|---|---|
| | ривожланишларини таъминлаш | 92 |
| Рахманова М.Қ., Мамажонова М.М. | Таълим жараёнида ўқитувчининг ижодкорлиги ва фаоллиги | 94 |
| Рахманова М.Қ., Холмуродова М.А. | Оилавий муносабатларда шахслараро мулоқотни тўғри шакллантиришда аёлнинг ўрни | 96 |
| Замонова Ш.А. | Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари | 99 |
| Худойназарова Ш.Т. | П.И.Чайковскийнинг хореография саньатидаги роли, ислоҳотлари | 101 |
| Abdulxakimova M.M | Savod o`rgatish jarayonida o`quvchilarni unli va undosh tovushlarni to`g`ri talaffuz qilish va o`qishga o'rgatish usullari | 103 |
| Absatova Sh.Sh. | Boshlang'ich ta'limda savod o'rgatish davrida o'qish va yozuv darslari | 106 |
| Artikova F.H. | Boshlang'ich sinf o'quvchilarining fikrlash qobliyatini rivojlantirishda didaktik o'yinlarning ahamiyati | 108 |
| Бурханова М.Б. | Мустахкам оила –келажак пойдевори | 110 |
| Мухиддинова Г.Н. | Развитие отношение детей к вещам | 112 |
| Усанова Д.А. | Бошланғич таълим босқичида хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари | 115 |
| Худойқулова Ф.Б. | Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларда лингвистик компетенцияни шакллантиришда назарий билимлар бериш муаммолари | 117 |
| Жабборова Б.М. | Бешта устувор йўналиш – эртамиз эгалари йўлида | 119 |
| Жабборова Б.М. | Аҳоли орасида китобхонлик маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий аҳамияти | 122 |
| Хасанова С.М. | Баркамол ёш авлодни маънавий гўзаллигини бойитишда адабиёт ва санъатнинг тутган ўрни | 126 |
| Pulatova D., Serikbayeva A. | Bola tarbiyasida milliy qadriyatlar | 127 |
| Пардаев З. | Лирик қаҳрамон табиатига хос тамойиллар | 128 |
| Искандаров Ш.А Ўринов Ж.Б | Ёшларнинг бўш вақтини ташкил этишда маданий муассасаларнинг ўрни | 130 |
| Ўтаев Ғ. Ғ. | Жамият фалсафаси | 132 |
| Рўзиев Б.Ў. | Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим-тарбия масканлари ижтимоий ҳамкорлиги | 134 |
| Ўтаев Ғ. Ғ. | Мустақиллик йилларида қўқон хонлиги тарихининг ўрганилиши | 135 |
| Нормурадова М.Х. | Мустақиллик йилларида халқ таълими ривожи тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари | 137 |
| Қодиров Қ.Т. | Таълим тизимида жисмоний тарбия дарсларида самарадорлигини ошириш йўллари | 138 |
| Arzibayev Q.O.,. | Sport bilan shug'ullanish motivatsiyasi | 141 |
| Арзибаев К.О. | Икт в спорте и роль компьютерных статистических программ в современном волейболе | 143 |